Қайта давлат
рўйхатдан ўтказилди
№ 530840
29.07.2022 йил

“Т А С Д И К Л А Н Г А Н”
“BUXORONEFTGAZPARMALASH”
Aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг 2022 йил 30 июндаги
йиллик умумий йиғилиш қарори билан

“Buxoroneftgazparmalash”
aksiyadorlik jamiyati

УСТАВИ
(янги таҳрирда)

Қоровулбозор тумани – 2022 й.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. "Buxoroneftgazparmalash" акциядорлик жамияти *(Кейинги ўринларда – Жамият деб юритилади)* ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон), Корпоратив бошқарув Кодекси, ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Айрим корхоналар ва мол – мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида"ги 1995 йил 4 декабрдаги №448 сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш кумитасининг 7 май 1996 йил №359к-ПО-сон буйруғига ҳамда "Ўзбекнефтгазқазибчиқариш" давлат акциядорлик бирлашмасининг умумий йиғилиш қарори асосларида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон Қарорига асосан Жамият "Ўзбекнефтгаз" Акциядорлик жамияти таркибидаги "Узбурғунефтгаз" Акциядорлик жамиятининг таркибий бўлинмаси хисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4388-сон Қарорига асосан Жамият "Ўзбекнефтгаз" АЖ таркибидан чиқарилган.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: "Buxoroneftgazparmalash" aksiyadorlik jamiyati.

Рус тилида: Акционерное общество "Бухоронефтгазпармалаш".

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида: "BNGP" AJ.

Рус тилида: АО "БНГП".

1.5. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.6. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, Буюк Ипак Йули кўчаси, 4 уй. Индекс: 200900.

1.7. Жамиятнинг электрон почта манзили: **buhoro-ngp@mail.ru, info@bngp.uz**

1.8. Жамиятнинг расмий веб-сайти: **www.bngp.uz**

2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамиятни ташкил этишнинг асосий мақсади — даромад олиш ва Ўзбекистон Республикасида бозор инфраструктурасини барпо этиш, нефт ва газ қудуқларини пармалаш.

2.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар саналади:

- нефт ва газ қудуқларини қуриш, пармалаш ва синаш;

- нефт ва газ конденсатини қазиб чиқариш;

2.3. Жамият ўзининг юқоридаги асосий вазифаларини бажариш билан биргаликда қуйидаги фаолиятлар билан ҳам қўшимча равишда шуғулланиши мумкин:

- қурилиш, монтаж ишлари;

- қудуқ ва бурғилаш жойларида вақтинчалик йўлакчалар ва майдончалар қуриш ишлари;

- Хитойда ишлаб чиқарилган бурғилаш ускуналари асоси остида монолит бурғилаш жиҳозлари пойдевори қуриш ишлари;

- Хитойда ишлаб чиқарилган бурғилаш ускуналари учун чуқурлик туби сувдан ажратилган шламйиғувчи қуриш ишлари;

- илмий тадқиқот ишлари;

- мулк шаклидан қаттий назар жисмоний ва юридик шахсларга техник хизмат курсатиш;

- саноат, уй-жой, ишлаб чикариш, маданий-маиший хизмат ҳамда бошқа бино иншоатларини қуриш ва таъмирлаш;

- хусусий тижорат-воситачилик ва ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш, кичик ҳамда қушма корхоналар тармоқларини, тижорат марказлари, майда улгуржи, воситачи ва чакана савдо дуконлари, савдо уйлари улгуржи ярмаркалар, умумий овқатланиш шахобчалари очиш;

- ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри узаро фойдали хужалик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришга доир ишлаб чиқариш ҳамда тижорат воситачилик хизматларини амалга ошириш.

- иккиламчи ресурсларни тайёрлаш ва қайта ишлашни, ишлаб чиқариш ҳамда саноат чиқиндиларини ишга солишни, ўраш, жойлаш махсулотларни тайёрлаш ва сотишни ташкил этиш;

- ҳом-ашё тайёрлаш, махсулотлар ва товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо воситалари, шунингдек хорижий фирмалар билан контрактлар ва тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йули билан товар ресурсларини харид қилиш;

2.4. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

2.5. Жамият махсус рухсатнома (лицензия) талаб қиладиган фаолиятни амалга ошириш учун тегишли махсус рухсатнома (лицензия) олинганидан сўнг ушбу фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

3. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ) МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.3. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Бунда жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма беш фоизидан ошмаслиги керак.

3.4. Жамият устав фондининг миқдори номинал қиймати **5 000** (беш минг) сўм бўлган **4 548 824** (тўрт миллион беш юз кирк саккиз минг саккиз юз йигирма турт) дона оддий ва имтиёзли акциялар булинган **22 744 120 000** (йигирма икки миллиард етти юз кирк турт миллион бир юз йигирма минг) сўмдан иборат бўлиб, акциядорлар ўртасида тулик жойлаштирилган.

4. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамият томонидан **4 288 088** (тўрт миллион икки юз саксон саккиз минг саксон саккиз) дона оддий ва **260 736** (икки юз олтмиш минг етти юз уттиз олти) дона имтиёзли акциялар чикарилган ва жойлаштирилган. Жами чикарилган акциялар сони **4 548 824** (тўрт миллион беш юз қирқ саккиз минг саккиз юз йигирма тўрт) донани ташкил этади.

4.2. Жамият устав фондини ошириш максадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони **95 613 634** (тўқсон беш миллион олти юз ун уч минг олти ўттиз тўрт) дона эгаси ёзилган оддий ва имтиёзли акцияларидан иборат.

4.3. Жамият акцияларининг номинал қиймати **5 000 (беш минг)** сўм.

5. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ (УСТАВ КАПИТАЛИНИ) КАМАЙТИРИШ ВА КУПАЙТИРИШ

5.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.3. Қўшимча акциялар эълон қилинган жамият уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

5.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

5.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

5.7. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

5.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.9. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришда, Жамиятнинг миноритар ва бошқа акциядорлари манфаатларига зарар етказилмасилиги ҳамда уларнинг ҳуқуқларининг бузилишига олиб келмаслиги лозим.

5.10. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

5.11. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи жамият кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5.12. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

5.13. Жамият уставида жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлиши назарда тутилиши мумкин. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

5.14. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкий ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш чоғида унинг акцияларига ҳақ тўлаш тартиби жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида (ўзгартириш тўғрисидаги қарорда) ёки жамият уставида, қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш эса, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.15. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.16. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

5.17. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан

акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.18. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтириш мумкин.

5.19. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.20. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.21. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

6. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

6.1. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

6.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

6.3. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

6.4. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

6.5. Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

7. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ

7.1. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) 15 (ўн) беш фоизидан кам булмаган миқдорида захира фонди ташкил этилади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

7.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

7.4. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

7.5. Агар захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.

7.6. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

7.7. Жамиятда соф фойда ҳисобидан "Модернизация ва янги технология фонди" ташкил этилади.

8. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ

8.1. Жамият ҳар бирининг номинал қиймати **5 000** сўм бўлган акцияларни муомалага чиқаради.

8.2. Жамият томонидан жойлаштирилган акциялар: номинал қиймати **5 000** сўм бўлган, умумий қиймати **22 744 120 000** сўм бўлган, **4 288 088** дона оддий ва **260 736** дона имтиёзли эгаси ёзилган нақдсиз (хужжатсиз) акциялардан иборат.

8.3. Жамият имтиёзли акциялар буйича номинал кийматининг 5 фоизгача микдоридаги дивиденд тўловини амалга оширади.

8.4. Жамият ўз ҳўжалик фаолияти натижасидаги зарарларни қоплаш мақсадида акцияларни муомалага чиқариши мумкин эмас.

8.5. Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

8.6. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

8.7. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

8.8 Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

8.9. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

8.10. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

8.11. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

9. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ, УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

9.1. Жамият бошкарув органлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

- Кузатув кенгаши;

- Коллегиал ижроия органи (бундан буён матнда бошқарув деб юритилади).

АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.3. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) жамиятни қайта ташкил этиш;

в) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

ж) ўз акцияларини олиш;

з) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

и) жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

к) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

л) жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

м) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қонун ҳужжатларида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

н) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

о) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

п) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият томонидан йирик битимлар ва жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнининг энг юқори миқдорларини белгилаш;

с) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

т) амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.4. Ушбу Уставнинг 9.3. бандининг а, б, в, д, л – хат бошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

9.6. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин туксон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. Шунингдек, Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

9.7. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

10. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

10.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони **9 (тўққиз)** кишидан иборат.

Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг улуши устун бўлган жамиятларда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

10.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши мухокамасига киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва харажатларининг йиллик сметасини тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- жамиятнинг бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни бошқарувдан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- бошқарувга тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;

- жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- тегишли масалалар бўйича кузатув кенгаши қошида комитетлар (ишчи гурухлар) тузиш;

- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), eVOTE электрон овоз бериш сервери ёрдамида онлайн тарзда, шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки акциядорлар умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- жамият бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва мукофот миқдорини белгилаш, бунда бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаган ёки самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари "паст" ёки "қониқарсиз" деб баҳоланган тақдирда бошқарув аъзолари томонидан ўтган ҳисобот йилида тўланган мукофотни тўлиқ жамиятга қайтариш масаласини кўриб чиқиш;

- жамият бошқарув аъзоларига хусусийлаштириш жараёнларини, шу жумладан акцияларни оммавий жойлаштиришни (IPO) сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот (мазкур банда кўзда тутилган рағбатлантиришдан ташқари) ёки амалга оширмаганлик учун жавобгарлик чоралари белгилаш;

- жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

- жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш;

- жамиятнинг бошқарув аъзолари лавозимига ўтказиладиган танлов регламентини тасдиқлаш, бошқарув аъзолари лавозимига танлов эълон қилиш ва ўтказиш;

- Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;

- жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкиллаштириш, баҳолаш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш;

- кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарини, шунингдек заруриятга кўра бошқа қўмиталарни ташкил қилиш;

- жамиятни яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштириш;

- жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташқи қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағларни жалб этиш;

- Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш каби масалаларини кўриб чиқиш;

- мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, Жамият Устав капиталига ва Жамият таркибидаги корхоналар Устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) келишиш;

- ушбу Устав ва қонунчиликка мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

10.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10.5. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

10.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

10.7. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

10.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин. Ҳар чоракда бошқарувнинг ҳисоботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўйилмайди.

10.9. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

10.10. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан *(сўров йўли билан)* Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин, **бундан ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг шахсан иштирокида ўтказиладиган Кузатув кенгаши мажлислари мустасно.**

Кузатув кенгашининг мажлисида ҳозир бўлмаган кузатув кенгаши аъзосининг мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ёзма тарзда берган фикри инобатга олинади ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан (телефон, электрон алоқа, ижтимоий тармоқларнинг мессенжерлари ва ҳ.к.) фойдаланган ҳолда кузатув кенгаши аъзосининг ёзма фикри тезкор тарзда йўлланиши ва олиниши мумкин. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳақда кўрсатилади.

10.11. Жамият Кузатув кенгаши мажлиси масофадан туриб ахборот коммуникация технологияларини, шу жумладан видеоконференц-алоқа тизими орқали ва электрон овоз бериш йўли (e-VOTE) билан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилиши мумкин, бунда мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзолари кун тартибидаги масалаларни муҳокама

қилишлари ва улар бўйича овоз беришлари мумкин. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳақда кўрсатилади, ушбу мажлис сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилган деб эътироф этилмайди.

10.12. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган жамият кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

10.13. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин.

10.14. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

11. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВИ

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш бошқарув томонидан амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти бошқарув аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги тайинлаш қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

Бошқарув раиси сифатида тайинланган *(қайта тайинланган)* шахс сурункасига **икки муддатдан ортиқ** ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

11.2. Жамият бошқарув сони **4 (тўрт)** аъзодан иборат. Бошқарув таркибига қуйидаги лавозимлар киради:

- Бошқарув раиси;
- Бошқарув раисини биринчи ўринбосари
- Бошқарув раисини геология бўйича ўринбосари;
- Бош ҳисобчи.

11.2. Жамият бошқаруви ваколатига жамиятнинг кундалик раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.3. Бошқарув акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

11.4. Бошқарув аъзолари жамият кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). Жамият бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, ушбу Уставда ҳамда бошқарув аъзолари жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

11.5. Жамият бошқарувининг раиси билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак. Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

11.6. Жамият кузатув кенгаши жамият бошқарувининг аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга. Жамият бошқаруви таркибига кирган шахснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

11.7. Жамиятнинг ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар улар бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади *(бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно)*.

11.8. Жамиятнинг бошқарув раиси ваколатлари:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоясини таъминлайди;

- штатларни тасдиқлаш, жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди ва уларни ваколатини бекор қилади;

- жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- конунчилик талабларига риоя қилиб, пеня ва жарималарни хисобга олган ҳолда турли хилдаги шартнома, битим ва келишувларни тузиш ва имзолаш;

- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

- жамиятнинг банк ва бошқа молиявий ҳужжатларига биринчи имзолаш ҳуқуқи билан банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақлар очиш;

- жамоа музокараларида Жамият номидан иштирок этиш ва жамоа шартномаларини тузиш.

11.9. Бошқарувнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур устав ва ўзини ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- барча йўналишлар бўйича қурилиш, ишлаб чиқаришнинг истиқболли ривожланиш ва техник сиёсатни белгилаб бериш;

- ISO 9001:2008 халқаро стандартларга асосланган сифат менеджменти тизимини жорий қилиш, унинг ишини ташкиллаштириш ва яхшилаш бўйича бевосита фаол иштирок этиш;

- бажариладиган ишлар ва хизматлар сифатини ошириш, ва ички сифат текширувларининг йиллик режасини ишлаб чиқиш ишларига бошчилик қилиш;

- сифат менеджменти тизимини бахолаш учун мезон ва йўналишларни ҳамда мезонларни бахолаш бўйича саволлар рўйхатини белгилаб бериш;

- жамиятнинг таркибий корхоналари корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатиш;

- жамият таркибий корхоналари фойда ва зараларини тақсимлаш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- йиллик бизнес-режанинг бажарилишининг бориши тўғрисидаги чораклик хисоботларнинг, узок ва урта муддатга мулжалланган ривожланиш стратегиясини ва унинг ваколатига кирадиган ишларнинг бориши тўғрисидаги хисоботларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши белгиланган муддатларда тақдим этиш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

- лавозим йўриқномаси, мехнат шартномаси ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш;

- Жамият томонидан битимлар тузилишида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлар тўғрисида"ги Қонунига ҳамда қонуности ҳужжатларига мувофиқ тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда белгиланган тартибда ошкор этилиб борилишини назоратга олиш.

11.10. Бошқарув қуйидаги ҳуқуқлар эга:

- жамият Устави ёки бошқа ҳужжатлари ҳамда меҳнат шартномаси билан бошқарув ваколатига юклатилган жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалаларни мустақил ҳал этиш;

- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жамият мол-мулки ва маблагларини тасарруф қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жамият ходимларига иш ҳақини, барча турдаги устамалар, рағбатлантириш ва меҳнати билан иштирок этиш коэффициентлари белгилаш;

- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

-жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

- жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакилларини жамият номидан овоз бериш бўйича кўрсатма бериш;

- жамият хўжалик таваккалчилигини ва бошқарув аъзоларининг жавобгарлигини суғурталашни амалга ошириш;

- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатига кирувчи ички меъёрий ҳужжатлар бундан мустасно;

- жамиятнинг амалдаги ички хужжатларига асосан имтиёзларга эга бўлиш;

- қонунчиликда, жамият устави ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларларни амалга ошириш.

11.11. Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим. Жамият бошқарув аъзоларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида корхона манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун ушбу шахсларнинг субсидиар жавобгарлигини улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида қатъий белгиланади;

- жамиятнинг бошқарув аъзоси қуйидагилар натижасида жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

- чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;
- ушбу Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;
- жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганли;

- давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш, уни ишончлигилигини таъминлаш, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида белгиланган тартибда тақдим этиш;

- ҳар чоракида йиллик бизнес-режанинг бажарилиши, жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисоботи тўғрисида Кузатув кенгашига ҳисобот бериш;

- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тўсиқларсиз белгиланган тартибда тақдим этиш;

- жамият ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақланишини таъминлаш, шунингдек тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини кузатув кенгаши томонидан белгилашни ташкиллаштириш;

- жамиятни ихтисослашган ходимлар билан таъминлаш, шунингдек ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

- ўзининг ҳамда жамият мансабдор шахсларининг ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали малакасини оширишни таъминлаш;

- меҳнат ва ички тартиб интизомига риоя қилиниши таъминлаш;

- ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаш;

- жамоа музокараларида ижроия органи вакилларининг иштирокини таъминлаш, жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва жамиятнинг кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган жамиятлар кўчмас мулклари, автомототранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини "E-auksion" электрон савдо платформасидаги ижарага берилишини таъминлаш;

- агар, жамият томонидан битим тузилишида у аффиланган шахс ҳисобланган тақдирда, кузатув кенгашини хабардор қилиш;

- жамият мулкини бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаши билан келишиш;

- жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланишни фақат кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

- жамиятнинг барқарор ва самарали ишини таъминлаган ҳолда ўз ваколати доирасида жамиятнинг жорий фаолиятига рахбарлик қилиш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно;

- жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини ташкиллаштириш;

- ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

12. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Жамиятнинг ички аудит хизмати

12.1. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлганда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

12.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда

ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

12.3. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти
(ташқи аудитор)

12.4. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга текшириш якунлари бўйича ҳисобот ҳамда аудиторлик хулосасини тақдим этади.

12.5. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

12.6. Жамиятнинг йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш халқаро аудиторлик тармоқларига ва халқаро уюшмаларига аъзо бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

13. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ

13.1. Жамият кузатув кенгаши томонидан унга ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этилиши мумкин.

13.2. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

14. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

14.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

14.3. Мазкур Уставда назарда тутилмаган масалалар (маълумотлар) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади

«Buxoroneftgazparmalash»
aksiyadorlik jamiyati бошқарув раиси _____ **Х.Т. Хусаинов**
(имзо)

м/ў